



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 7



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдулаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Маҳкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдулаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Chu Beibei TANG VA SUN SULOLASI DAVRIDA MUSULMONLARNI TINCHLANTIRISH VA YUMSHATISH SIYOSATI.....	4
2. Lazizaxon Alidjanova O'RTA ASR MUSULMON MAMLAKATLARIDA SALOMATLIK MASKANLARINING EVOLYUTSIYASI.....	8
3. Шерали Аллаберганов УРУШ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АҲВОЛИ.....	17
4. Umurzoq Alibekov O'ZBEK XALQI ETNOMADANIYATIDA BO'RI TIMSOLI.....	21
5. Олим Бўронов ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИДА ТИББИЙ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	28
6. Ismoyiljon Kuraysinov 1948-1956 YILLARDA NAMANGAN OBLAST JAMOAT TRANSPORTI FAOLIYATINI MATBUOTDA YORITILISHI ("STALIN HAQIQATI" GAZETASI MATERIALLARI MISOLIDA).....	34
7. Ozodbek Radjabov TOJIKISTON TEMIR YO'LLARINING MUSTAQILLIK YILLARIDAGI HOLATI VA RIVOJLANISHI.....	39
8. Гулзора Саидбобоева СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ.....	45
9. Nodira Toliboyeva O'ZBEKISTONDA AHOLINI IJTIMOIIY NIHOYA QILISH DAVLAT SIYOSATINING AYRIM MASALALARI.....	50
10. Иззатилла Юлдашев, Саидахмадхон Ғайбуллаев КОЗИ БАЙЗОВИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ.....	58
11. Нуриддин Хўжанов СУҒД ВА УСТРУШОНАДАГИ ТОПОНИМЛАР ВА ОНОМАСТИК МАТЕРИАЛЛАРИДА ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ.....	63
12. Ильяс Шакиров ЎЗБЕКИСТОН ВА ТАИЛАНД ЎРТАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТИЗИМИТАШКИЛОТЛАР ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	70



Олим Бўронов,
Қарши давлат университети таянч докторанти,
buronovolim477@mail.com

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИДА ТИББИЙ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ

For citation: Olim Buronov. STATE POLICY OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF MEDICAL STAFF IN RURAL MEDICAL POINTS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 7, pp.28-33

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217703>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги қишлоқ жойларида даволаш муассасаларини тиббий кадрлар билан таъминлаш ишининг йўлга қўйилиши, тиббий кадрлар тайёрлашдаги эришилган ютуқлар, муаммолар ҳамда уларнинг қай даражада ечим топанлиги, шунингдек тиббий ёрдам сифати, самарадорлиги, тиббий ходимларнинг малака тоифаларига ҳамда муассасанинг тиббий ходимлар билан таъминланганлиги баён этилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, тиббий кадр, шифокорлар, умумий амалиёт шифокорлари, қишлоқ врачлик пунктлари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, малака, тоифа.

Олим Бўронов,
Докторант Каршинского государственного университета,
buronovolim477@mail.com

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ МЕДИЦИНСКИХ КАДРОВ В СЕЛЬСКИХ МЕДИЦИНСКИХ ПУНКТАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье за годы независимости налаживание работы по обеспечению медицинскими кадрами лечебных учреждений сельского населения в Узбекистане, достижения и проблемы в подготовке медицинских кадров и в какой степени они решены, как а также качество и эффективность медицинской помощи, квалификационные категории медицинского персонала и обеспеченность учреждения медицинским персоналом.

Ключевые слова: Узбекистан, медицинский персонал, врачи, врачи общей практики, сельские врачебные пункты, фельдшерско-акушерские пункты, квалификация, категория.

Olim Buronov,
Doctoral student of Karshi State University,
buronovolim477@mail.com

STATE POLICY OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF MEDICAL STAFF IN RURAL MEDICAL POINTS**ABSTRACT**

In this article, during the years of independence, the establishment of the work of providing medical personnel to the treatment facilities of the rural population in Uzbekistan, the achievements and problems in the training of medical personnel and to what extent they have been solved, as well as the quality and efficiency of medical care, the qualification categories of the medical personnel and the provision of the institution with medical personnel are described in the article. .

Index Terms: Uzbekistan, medical personnel, doctors, general practitioners, rural medical centers, paramedic-midwifery centers, qualification, category

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимидаги энг катта муаммо бу қишлоқ аҳолиси даволаш муассасаларини тиббий кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ бўлди. Ҳолбуки Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилиб келди. Қишлоқ аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати, самарадорлиги тиббий ходимларнинг малака тоифаларига ҳамда муассасанинг тиббий ходимлар билан таъминланганлигига боғлиқ бўлди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тарихий-киёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулоса бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндошув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилиб, муаммони ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш, мавзу бўйича бирламчи архив ҳужжатлари ва илмий хулосалар чиқариш зарурлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида қишлоқ ҳаётининг турли мавзуларига бағишланган монография ишлари ҳам тайёрланди ва нашр этилди. А.Жўраев, Ш.Каримов, А.Р.Содиқова, Х.С.Муҳитдинов, А.Солиев, М. Назаров, Ш.Искандарова, Ч.Темирова каби олимларнинг монографиялари шулар жумласидандир.

Қишлоқ мавзуси қатор тарихчи тадқиқотчиларнинг диссертация ишларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, М.Х.Хўжамуродовнинг диссертация ишида қишлоқ аҳолиси демографияси масаласи кўтарилган бўлса, С.А.Жумановнинг ишида мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотлар бориши таҳлил этилади. Шунингдек, кейинги уч йилда тарихчиларнинг тиббиёт тарихига бағишланган тадқиқотларида тадқиқот мавзусига доир баъзи мулоҳазалар баён этилган. Масалан, М.М.Маҳмудова ўз диссертациясида тиббиётнинг терапия йўналиши бўйича амалга оширилган ишларни таҳлил этиш асносида қишлоқ даволаш муассасаларида бу масалага эътиборни ҳам ўрганади. Н.Тоштемирова, Ш.Убайдуллаеваларнинг диссертация ишлари ҳам соғлиқни сақлаш масаласига бағишланган бўлиб, муаллифлар тадқиқот мавзусига доир қимматли маълумотларни келтириб ўтадилар.

3. Тадқиқот натижалари:

Қишлоқ жойларининг умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланиш даражасининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда айрим тор ихтисосликка эга шифокорларга талаб ортиб борди. Шифокорларнинг шаҳар ва қишлоқ муассасалари ўртасида нотекис тақсимланаётгани ҳам диққатни тортқидиган масала саналади. Қишлоқ жойларида ҳар 10 минг аҳолининг шифокорлар билан таъминланиш кўрсаткичи шаҳарга қараганда қарийб 2 баравар паст (20,4 ва 39,2 фоиз). Бу тафовут айниқса Фарғона (15,9 ва 41,0), Сирдарё (16,3 ва 38,7), Жиззах (16,2 ва 29,4) вилоятларида жуда катта [16].

1992-1995 йилларда қишлоқ жойларидаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш хизматини янада яхшилаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш участкалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари иш фаолиятларини такомиллаштириш, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлаш масаласига жиддий этибор қарартилган бир шароитда даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш масаласи кун тартибидаги долзарб муаммо сифатида сақланиб қолди [17].

Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти меъёрларига кўра, врач билан ўрта тиббиёт ходимларининг солиштирмаси 1:6 ни ташкил этиши керак. Лекин бу кўрсаткич республикада

1:4,3 га тенг бўлди. Деярли меъёрларга яқин ҳудудлар Қашқадарё (5,9), Навоий (5,8), Жиззах (5,7) ва ундан юқори Фарғона (6,3) ва Сирдарё (7,5) вилоятлари эканлиги қайд этилди. Аммо, Тошкент шаҳар -2,4, Самарқанд -3,6, Хоразм -3,6 ва Андижон - 4,0, Бухоро -4,3 ва Қорақалпоғистон Республикасида -4,4 га тенг бўлди[1].

Ўзбекистонда кадрлар масаласига эътибор туфайли қишлоқ тиббиётида ҚВПга бириктирилган аҳоли орасида жинси ва ёшидан қатъий назар профилактика ва даволаш тадбирларини амалга оширувчи кадрлар сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Ўрта тиббиёт ходимлари сони 2005 йил охирида 261901 ёки ҳар 10 минг кишига 99,5 нафарни ташкил этди. 1995 йилга нисбатан уларнинг умумий сони 12330 нафарга ортди. Бироқ ҳар 10 минг кишига қайта ҳисобланганда 109,1 дан 99,5 гача камайгани аниқланди. Негаки, аҳоли сонининг ўсиши тиббиёт ходимларининг кўпайиш суръатидан олдинда бўлди. Шифокорларнинг ўрта тиббиёт ходимлари сонига нисбат коэффиценти 1:3,3 дан 1:3,7 гача ошди[16].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига (1998 йил 10 ноябрь) мувофиқ тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳисобидан 1999-2005 йиллар давомида жами 345201 нафар шифокор тайёрланди[5].

2007 йилда қишлоқ аҳолисига жами 3637 та қишлоқ врачлик пунктлари ва амбулатория-поликлиника муассасалари хизмат кўрсатиб, унинг умумий қуввати 234076 дан ортиқ ёки 10 минг аҳолига нисбатан 135,9 ни ташкил этди (2006 й-135,6). Бу кўрсаткич Сурхондарё (87,0), Қашқадарё (86,3), Самарқанд (108,4) вилоятларида республика кўрсаткичидан пастдир. Шу билан бирга қишлоқ аҳолиси учун 159 та ТМШ, 37та ТШ, 102 та ҚУШ хизмат қилди[2].

2007 йил 19 сентябрдаги Президентнинг ПФ-3923 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси ҳудудий соғлиқни сақлаш ташкилотлари, таълим муассасалари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалий ишларни амалга оширди[3]. Натижада 2007 йилда 47565 нафар ўрта тиббий ходимлар ўз малакаларини оширди, бу умумий мутахассисларнинг 17,5 %ини ташкил этди. Жумладан, Навоийда (20,8), Самарқанда (20,3) вилоятларида юқори бўлса, Қашқадарё (11,2), Хоразм (15,5) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (15,2) сезиларли даражада паст бўлди[4].

2008 йили ҚВПларнинг шифокорлар билан таъминланиши республика бўйича 88,3 фоизни ташкил қилди[5]. Бу бўйича вилоятларда муайян ишлар олиб борилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Навоий вилояти Ҳокимлигининг 2008 йил 25 апрел 4/9 ва 28 апрелидаги 84-к сонли “Навоий вилояти соғлиқни сақлаш тизими ҳолати тўғрисида”ги Қўшма ҳайъати Қарорида белгиланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Натижада вилоятда шу йилнинг ўзида ҚВПларда умумий амалиёт шифокори билан таъминланиш кўраткичи 93,3 % ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ушбу кўрсаткич 97,1 % ни ташкил қилди[6].

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан кадрлар учун уй-жой ва яратилган шароитларнинг таъминланишига етарлича эътибор қаратилмади. Сурхондарё вилоятида 77,6 фоиз, Фарғона вилоятида 79,6 фоиз, Тошкент вилоятида 85 фоиз, Қашқадарё вилоятида 87 фоиз, Хоразм 87,9 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 87,5 фоиз шифокорлар уй-жой билан таъминланмади[5].

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан туб жой аҳоли вакилларида тиббий ўқув юртларига жўнатиш ишлари олиб борилмаганлиги ва қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббий ёрдам бўғинида умумий амалиёт шифокорларини жалб қилишга етарли рағбатлантириш механизмлари йўқлиги туфайли ҚВПларда кадрлар кўнимсизлиги юқори даражада бўлди. Шифокорлар тез-тез ўз иш жойларни ташлаб, бошқа жойларга кетди. Бу каби муаммолар Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида кучли бўлди[15]. Масалан, 2010 йили Қорақалпоғистон Республикасида 20 та, Қашқадарё вилоятида 12 та,

Навоий ва Сурхондарёда 5 ва Тошкент вилояти 3 тадан ҚВПларда шифокорлар ўрнига фельдшерлар фаолият кўрсатди[7].

Аҳолига малакали тиббий санитария ёрдами кўрсатишни таъминлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Терапия ва тиббий реабилитацияси маркази томонидан 2009-2012 йилларда 80 та ҚВПда кадрлар малакасини ошириш ва тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича ишлар олиб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ва бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан аҳоли ўртасида профилактика ишларининг кучайтирилиши эвазига уларга амалга оширилган қатновлар сони 53630 тага кўпайди (2010 йилда 15912,0 та, 2011 йилда 16448, 3 та). Аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 7,4 ни ташкил қилган. Шунга мутаносиб ҚВПларга қатновлар сони 833,5 тага ошган (2010 йилда 5381,1 та, 2011 йилда 6264,6 га), аҳолига жон бошига 3,5 дан 3,8 гача ошди[8].

2013 йил ноябрь ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Қишлоқ аҳолисига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини ошириш, профилактик тадбирларни такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлари ўрганилганда тизимда бир қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, қишлоқ врачлик пунктларини шифокор кадрлар билан таъминлаш масаласига етарли эътибор қаратилмаганлиги туфайли Тошкент (80,2%), Сурхондарё (83,3%), Сирдарё (84,4%) ва Фарғона (88,3%) вилоятларида республика кўрсаткичи (90,5%)дан паст бўлди. Республика бўйича ҚВПларда 1111,0 ставка вакант шифокорлик лавозимлари бўлиб, (Тошкент вилояти -237,25 ставка, Сурхондарёда -191,2 ставка, Фарғонада -164,5 ставка ва Самарқандда -95,25 ставка) эди. Шунингдек, қишлоқ даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш кўрсаткичининг пастлиги ўз ўрнида уларнинг малака ошириш ишларига ҳам таъсирини кўрсатди. Масалан, Бухоро (39,6%) ва Хоразм (51,6%) вилоятларида ҚВП шифокорларини малака тоифасини олишга етарли эътибор қаратилмаганлиги учун республика кўрсаткичи (67,6%) дан паст эди[5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли қарори асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 7 мартдаги 80-сонли буйруғи ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди[9]. Молия ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари янги штат меъёрлари тасдиқланди ва март ойидан ижрога қаратилди. Янги штат меъёрларига асосан ҳамширалик ишини юртиш, дори воситаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишни ташкил этиш бўйича катта ҳамшира лавозими киритилди, патронаж ҳамшираларининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва профилактик тадбирларни олиб боришдаги роли ва масъулиятини аҳамиятга олган ҳолда иш ҳажмини камайтириш ҳамда бир қатор ҳамшираларни юкламаларини ошириш назарда тутилган ҳолда ишлаб чиқилди. Янги штат жадвалига асосан қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларига юклама меъёрлари камайтирилди, натижада ҳар 2000 аҳолига 1,5 штат бирлиги тўғри келди. (олдинги меъёрда ҳар 2000 аҳолига 1,0 штат бирлиги). Қишлоқ врачлик пунктлари фельдшер лавозими тугатилди ва унинг ўрнига катта ҳамшира лавозими жорий этилди. Молия вазирлиги билан биргаликда тегишли кўрсатмалар жойларга етказилди[9].

Республиканинг 5 та туманида (Самарқанд вилояти Жомбой тумани, Ташкент вилояти Бўстонлик тумани, Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани, Хоразм вилояти Хива тумани, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани) тажриба тариқасида патронаж ҳамширалари томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг профилактик тадбирлар сифатининг якуний натижаларига асосан баҳолаш тизимини тадбиқ қилиш бўйича Молия Вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор асосида (28 март 2014 йил 10-сонли) баҳолаш мезонлари ва вақтичалик Низом ишлаб чиқилди[10].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 1 декабрдаги “Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 350-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2015 йил 9 декабрдаги 473-сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ билан қарор ижросини таъминлаш ва назоратини амалга ошириш юзасидан вазирликнинг ишчи гуруҳи ва амалий назорат режаси тасдиқланди[11].

Маълумки, тиббиётнинг бирламчи бўғини аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ўрни катта. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ўлим ҳолатларининг 60 фоизи ана шу бўғиндаги камчиликлар, масалан, юрак-қон томир касалликларига ўз вақтида тўғри ташхис қўя олмаслик ҳолатлари туфайли содир бўлган. Қишлоқ врачлик пунктларида фаолият олиб борган умумий амалиёт шифокорлари зиммасига шу қадар кўп вазифалар юклаб ташланган эдики, бу ўз-ўзидан тизимда тиббий хизмат сифатига салбий таъсир этди. Шифокорларга яратилган шароит билан иш ҳажми мутаносиб эмаслиги, хусусан, 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилгани тизимдаги аксарият муаммоларга сабаб бўлди[12].

Мамлакатимизда шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, муносиб меҳнат шароити яратиш, иш ҳақи ва мавжуд шартлар сонини ошириш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Натижада 2016 йил тиббиёт тизимида шифокорлар учун ажратилган 92 709 та штатлар сони 109012,75 тага етказилди. 2017 йили Ўзбекистон тиббиёт муассасаларида 84 100 нафар шифокор фаолият юритган бўлса, 2021 йили 93 337 нафар малакали мутахассис соҳада фаолият кўрсатди. Шунингдек, кейинги йилларда тиббиётда замонавий таълим стандартлари асосида чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш, ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасаларида мақсадли қабулни шакллантириш, бу йўналишдаги олий ўқув юртлари сонини ошириш борасида олиб борилган ўзгаришлар соҳада кадрлар сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди[12].

2018 йили республика бўйича жами шифокорларга бўлган эҳтиёж 4398 тани ташкил қилади, шундан умумий амалиёт шифокорларига бўлган эҳтиёж 653 тани ва тор доирадаги мутахассисларга 3745 тани ташкил этади. Бу борада, 2017-2018 йил битирувчилар ҳисобидан 2018 йил сентябрь ойи якунигача 1908 нафари УАШ сифатида ишга жойлаштириш режалаштирилди. 653 нафар магистратура, 2533 нафар қайта тайёрлаш курслари битирувчиларини тор доирадаги мутахассис сифатида ишга жойлаштириш белгиланди[13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги тизимида олиб борилган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш хусусидаги фармонига асосан бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилди. “Тиббиёт бригадалари” фаолиятини ташкиллаштириш бўйича терапия, педиатрия, оила (патронаж) ҳамширалари ва дояларини бирламчи тизим бўйича ўқитиш ишлари олиб борилди. “Тиббиёт бригадалари” махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланди[14].

4. Хулосалар:

Қишлоқ даволаш муассасаларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати сезиларли равишда тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва соғлиқни сақлашда ўтказилган ислохотларга боғлиқ бўлиб, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг мукаммаллашувида ўз аксини топади.

Ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш хусусидаги ҳуқуқий асосларга кўра бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат бирлиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилди. “Тиббиёт бригадалари” фаолиятини ташкиллаштириш бўйича терапия, педиатрия, оила (патронаж) ҳамширалари ва дояларини бирламчи тизим бўйича ўқитиш ишлари олиб борилди. “Тиббиёт бригадалари” махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўз ИТТХ МДА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 998-иш, 46-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 998, sheet 46)
2. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 3726-иш, 54-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 3726, sheet 54)
3. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 930-иш, 14-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 930, sheet 14)
4. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 3726-иш, 51-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 3726, sheet 51)
5. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 968-иш, 71-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 968, sheet 71)
6. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 819-иш, 75-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 819, sheet 75)
7. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 816-иш, 65-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 816, sheet 65)
8. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 930-иш, 36-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 930, sheet 36)
9. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 999-иш, 22-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 999, sheet 22)
10. Ўз ИТТХ МА, М-372-фонд, 1-рўйхат, 999-иш, 23-варақ. (National archive of scientific and technical medical documents of Uzbekistan М-372-fund, list 1, case 999, sheet 23)
11. Одилова Б, Муҳими — ижро ва назоратни кучайтириш // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2016 йил 15 январь. (Odilova B, It is important to strengthen enforcement and control // Health care in Uzbekistan, January 15, 2016.)
12. Тиббиёт тизимидаги ислохотлар // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2021 йил 20 август. (Reforms in the medical system // Healthcare in Uzbekistan, August 20, 2021)
13. Толипов Н, Тиббиёт ислохотларидан одамлар розими? // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2018 йил 13 июнь. (Tolipov N. Do people agree with medical reforms? // Healthcare in Uzbekistan, June 13, 2018)
14. Солиходжаева Р, Замонавий ҳамшира: дунёни теран англайдиган, инсон руҳиятини яхши биладиган, ўз ишининг фидойиси // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2022 йил 12 май. (Solikhodjaeva R, Modern nurse: a person who understands the world deeply, knows the human psyche, is dedicated to his work // Health care in Uzbekistan, May 12, 2022)
15. Соатова И, Муаммоларни бартараф этиш вақти келди // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2009 йил 3 июль. (Soatova I, It's time to solve the problems // Healthcare in Uzbekistan, July 3, 2009)
16. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. — Тошкент, 2006. —73 б. (Health for all: the main goal of Uzbekistan in the new millennium. - Tashkent, 2006. -73 p)
17. Шодиёр Мутаххархон ўғли, Қишлоқларни юксакликка элтувчи дастур // Халқ сўзи, 1996 йил 24 май. (Shodiyar Mutahharkhan ugli, The program that brings villages to the heights // People's word, May 24, 1996)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 7 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 7

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 7

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000